



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР

press



www.hamkorpess.uz




t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 12 май. 9 (388)-сон

hamkor.press@mail.ru

Ийд Рамазон Ҳайит байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!



КУН ҲИҚМАТИ:

Умр ўтказиш-нинг иккита усули бор. Биринчиси, гўё ҳеч қандай мўъжиза йўқдай яшаб ўтиш. Иккинчиси, ҳаётдаги ҳамма нарса мўъжиза эканига ишониб яшаб ўтиш.

**Альберт
Эйнштейн.**

ГЕРМАНИЯ. Коронавирусга қарши эмланган фуқаролар 9 май кунидан мамлакатда коронавирус тарқалишига қарши амал қилаётган кўплаб чекловлардан озод қилинди.

ОЗАРБАЙЖОН. Президент Илҳом Алиев Боку тасарруфига ўтган Шуша шаҳрини расмий равишда мамлакатнинг маданий пойтахти, деб аташ бўйича фармонни имзолади.

ҚИРҒИЗИСТОН. Суд томонидан Қумтор конида олтин қазиб олиш билан шуғулланувчи "Kumtor Gold Company" (Канада) компаниясига экологик меъёрларни бузгани учун 3,09 млрд. доллар атрофида жарима солинди.

ТАИЛАНД. Келаси йилдан бошлаб хорижлик туристлар учун 9,6 доллар миқдорида йиғим жорий этишни режалаштирилмоқда. Маблағлар туристик жамғарма ташкил этишга йўналтирилади.

ОЛАМДА НИМА ГАП?



УКРАИНА.

Эркактар учун бола тарбияси таътилини олиш ҳуқуқини берадиган қонун қабул қилинди.

РОССИЯ. РФ ва Тожикистон давлат раҳбарлари ўртасидаги учрашувда меҳнат мигрантлари борасида фикр алмашинди.

АҚШ. Ҳукумат Американинг ракетали крейсери Араб денгизи ҳудудида ўзини танитиш белгисига эга бўлмаган кема қўлга олинганини билдирди. Унинг бортида Россия ва Хитойда ишлаб чиқарилган йирик миқдордаги қуроллар партияси аниқланган.

ЯПОНИЯ. Қирқ етти соат ичида "Ҳаётларни қутқариш учун Токиодаги Олимпиадани бекор қилишни талаб

этамиз" деб номланган петицияни 191 552 киши имзолади.

ХИТОЙ. Парламент озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилишга қарши кураш тўғрисидаги қонунни маъқуллади.

НИДЕРЛАНДИЯ. Олимлар асал-арилар коронавирусни тез аниқлай олишларини маълум қилишди. Тадқиқотчилар бу самарали ва арзон усул эканлигини таъкидлашмоқда.

ҲИНДИСТОН. Пандемиянинг иккинчи тўлқини билан параллел равишда яна бир хавfli касаллик — мукоромикоз ("қора моғор") эпидемияси авж олаётгани маълум қилинди.

Маҳсуда Қодирова Избоскан туманининг чекка қишлоғида яшайди. Қўлида гулдай ҳунари бор — тикувчи. Эри ишламайди, 3 фарзанднинг еб-ичиши, ўқитиш аёлининг зиммасида. Тадбиркорлик қилишни истайди-ю, сармояси йўқ.

“Сабр” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ва “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ижтимоий ҳамкорликда Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган “COVID-19”нинг Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларидаги ҳимояга муҳтож аёллар ва ёшларга таъсирини юмшатиш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун нодавлат нотижорат ташкилотларнинг институционал ва ташкилий салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳасини амалга ошираётганидан хабар топган Маҳсуда опа

маҳалла раисининг олди-га чопди. Раисга ҳам раҳмат, унинг мурожаатини тинглади.

Ташкилотчилар лойиҳа

ресурслардан фойдаланиш, мутахассислар маслаҳати каби омиллар илгари сурилган.

— “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” ишлаб чиқилди ва ушбу ҳамкорликда бошланган лойиҳанинг асосий мақсади ҳам

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий бандлигини таъминлашга ва тадбиркорликка йўналтирилган, — дейди “Сабр” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори Мавлудахон Широнова.

Мазкур марказда касбий билим олувчиларни қўллаб-қувватлаш учун ахборот-

ресурс интернет кутубхонаси, болалар бурчаклари, кичик кир ювиш жойлари ташкил қилинган, аҳоли орасида 27 нафар мураббийлар ва тренерларни тайёрлаш ва ўқитиш, кам таъминланган оилалардаги аёллар ва ёшларнинг ўз бизнесларини бошлаш учун 1 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача грантлар танлов асосида берилади.

Энди “Чойхона” қишлоқ ахборот-ресурс марказида Маҳсуда опа каби 240 нафар избосканлик кам таъминланган аёллар тикиш-бичиш, қандолатчилик, сартарошлик иши, миллий ҳунаромандчилик, компьютер саводхонлиги, маникюр-педикюр касбларига тайёрланади. Тадбиркорлик қилиш мақсадида банклардан кредит олиш тартиблари ва йўналишларини ўрганадилар.

Наргиза МИРЗАЛИМОВА.

БИЗНЕС УЧУН ИМКОНИЯТ

доирасида 6 та йўналишда замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув марказлари ташкил қилмоқда. Унда вақтинча ишсиз ва “COVID-19” дан зарар кўрган аёллар ва ёшларнинг кризис ҳолатидан чиқариш- касбий кўникмалар бериш, иш билан таъминлаш, ўз бизнесини очиш, молиявий-ахборот



ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Унга кўра жорий йилнинг 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоралари жорий этилди. Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизига, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик берилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси”нинг кафиллик ва компенсацияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини-ўзи банд қилишга (томорқадан унумли фойдаланиш, уй шароитида ҳунаромандчилик ва касаначиликни ривожлантириш), ажратилган маблағларнинг камида 15 фоизи жойларда, айниқса, шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасида кичик лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши айтилди.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда уларнинг бошланғич нархини 50 фоизгача камайтириш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда бошланғич нархга чегирма белгиланадиган олис ва чекка ҳудудлар чегараларини белгилаш ваколати берилди.

2021-2022 йилларда республикамизнинг камида 500 та маҳалла фуқаро йиғинларининг эски биноларини давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қуриш, 2 - ва 3-қаватларида кичик ишлаб чиқариш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ташкил қилиш учун текин фойдаланиш асосида 30 йилга тадбиркорлик субъектининг ихтиёрида қолдирилиши назарда тутилди. Уч йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган, солиқларни муддатида тўлаб келган, товарлар импорти билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган муддатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига солиқ ва божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

Рустамжон ОРИПОВ.

Банклар мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Лекин айрим ҳолларда баъзи соҳа мутасаддиларининг бугунги ислохотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаётгани ачинарли. Чунки банк муассасаларида содир этилаётган коррупцион ҳолатлар, таъмагирликлар жамиятимизнинг оғриқли нуқтасидир. Айниқса, кредит ажратишда суиистеъмолчилик, таъмагирлик ва маблағларни талон-торож қилиш одат тусига айланиб қолган, десак янглишмаймиз. Шу боис одамларда баъзан банклар фаолиятига нисбатан ишончсизлик бор. Ҳатто қўлидаги маблағини банк омонатида эмас, уйда сақлашни афзал билувчилар талайгина.

БАНКЛАР га НЕГА ИШОНЧ ЙЎҚ?



Бош прокуратура маълумотида кўра, сўнгги икки йил давомида банкларнинг 166 нафар мансабдор шахслари коррупция ва мансабдорликка оид жиноятлари бўйича жавобгарликка тортилди. Жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг 30 та жинояти фош этилди. Бундан ташқари, ўз бизнесини йўлга қўйиш мақсадида банкларга мурожаат қилган 669 нафар фуқаронинг аризасидан фойдаланиб, улар номига билдирмасдан жами 29,6 млрд. сўмлик имтиёзли кредитларни ноқонуний ажратиш, талон-торож қилган. Биргина Самарқанд вилоятидаги “Миллий банк” ходими банк омонатчиларининг ҳисоб-рақамидан 90 та ҳолатда 7,7 млрд. сўм, 607 минг АҚШ доллари ва 1 461 евро миқдордаги омонат пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Муаммо нимада? Биз биринчи навбатда кадрларни эмас, балки, мансабдор шахсларнинг амалидан фойдаланувчиларни “тарбиялашимиз” керак. Зеро ҳар бир давлат хизматчиси қонун

талабларини, касб одобномаси, ички тартиб қоидаларини яхши билади ва билиши шарт. Ҳар қандай мансабдор шахс коррупциявий ҳолат, яъни қонун-қоидаларга зид илтимослар, кимгадир ён босиш, қайсидир масалани тезроқ ҳал қилиш, пул ёки бошқача манфаат кўриш таклифи ҳақида юқори турувчи раҳбариятни ёки ваколатли давлат органини хабардор қилиши шартлиги “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган. Лекин қонуннинг мазкур нормаси амалда тўлақонли ишляптими? Амалиёт коррупцияни келтириб чиқарувчи мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, уруғ-аймоқчилик ва таниш-билишчилик каби омилларни бартараф этиш учун ностандарт ёндашувлардан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Нима қилиш керак? Қачонки тўғри иш ташкил этилиб, хизматлар жойида амалга оширилсагина, одамлар ишончини оқлаш мумкин. Балки, ташкил этилаётган хусусий банклар орқали рақобат вужудга келиб, юқоридаги муаммоларга барҳам берилар. Банклар миждозларни жалб этиш ва миждозлар устида талашсагина, нимадир ўзгариши мумкин. Бизда эса ҳозирча бундай рақобат кўринганича йўқ.

Нилуфар ЮНУСОВА,
Тошкент.

Сўнгги йилларда маҳаллий аҳоли томонидан мамлакатимизда Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва қушларни, хусусан, Қашқадарё ва Наманган вилоятида қўнғир айиқлар, Андижон вилоятида оқ турна, Бухоро ва Қорақалпоғистонда жайронлар, Тошкентда оққушлар, эчкиэмар ва мамлакатнинг бошқа минтақаларида учровчи судралиб юрувчиларни ўлдириш ҳолатлари ортиб бормоқда. Агар биз умумий зарарни ҳисоблаб чиқмоқчи бўлсак, фақатгина жайронларнинг ўлдирилиши ортидан келган зарар 68 907 000 сўмга (тахминан 6 761 доллар) баҳоланмоқда. Аҳоли вакиллари овчи-браконьерларни ва улар томонидан ўлдирилган ҳайвонларни суратга олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштиришмоқда.



ҚИРИЛИБ КЕТАЁТГАН ЖОНИВОРЛАР

ЯНГИ ҚИЗИЛ КИТОБ

2019 йил декабрь ойида Ўзбекистонда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликларни ўз ичига олган “Ўзбекистон Қизил китоби”нинг янгиланган нашрини тақдим этди. 10 йил олдин бутун Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган дашт тошбақаси йўқ бўлиб кетиш арафасида тургани ачинарли. “Қизил китоб”нинг янги нашри 2-жилдига сут эмизувчи ҳайвонларнинг 30 тури,

ЎХИМОЯ ҚИЛИНМОҚДАМИ?

Атроф-муҳитни ва табиатни муҳофаза қилиш илмий-техникавий технология институтининг биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси Фазлулло Аъзамовнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда Қизил китобга киритилган ҳайвонлар яхши ҳимояланмаган:

— Ҳозиргача бозорлардан ота-оналар ўз фарзандлари учун ўйинчоқ сифатида дашт тошбақаларининг болаларини сотиб олишмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатда умумий майдони 11,5 миллион гектар бўлган 86 та ўрмон хўжалиги мавжуд. Демак, Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаш учун атиги 13,5 миллион гектар майдон ажратилган. Яна бир муаммо шундаки, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар турли идораларнинг ваколатига киради. Шундай қилиб, Угам-Чотқол биосфера резервати “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига тегишли. Китоб давлат қўриқхонаси Давлат геология қўмитаси томонидан, Зомин, Зарафшон, Угам-Чотқол миллий боғлари эса Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан назорат қилинади. Савол туғилади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ёки Давлат геология қўмитаси қандай қилиб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиши мумкин?

— Ҳар бир қўриқланадиган ҳудуднинг ўз бошқарув органи, ҳудудни муҳофаза қилиш бўйича ходимлари бор, — дейди Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўриқланадиган ҳудудлар бўйича бўлим бошлиғи Ҳалиллулло Шерматов. — Шунингдек, уларнинг фаолияти Давлат экология қўмитаси томонидан назорат

Қуйи Амударё давлат биосфера резервати Давлат экология қўмитаси тасарруфига ўтказилди. Айни пайтда уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

ОВ ҲАМ КЕРАК, АММО НАЗОРАТ ОСТИДА

2020 йил июнь ойида “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда мамлакатдаги овчилик туризмнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, хусусан, чет эллик сайёҳларни овга жалб қилиш орқали давлат бюджетига валюта тушумини ҳамда ов ҳайвонлари сонини кўпайтириш, уларни боқиш ва парваришlash харажатларини молиялаштириш масалалари ўз ақсини топган.

Ўзбекистон ҳудудида ов мавсуми 1 сентябрдан бошланади ва 31 январгача давом этади. Бугунги кунда республикада 35 дан ортиқ овланадиган жойлар мавжуд бўлиб, уларда ҳайвонларни отиш ва ушлашга рухсат берилади. Угам-Чотқол миллий боғи энг машхурларидан биридир.

Оммавий ахборот воситаларида араб шайхларининг Ўзбекистон Қизил китобига киритилган йўрға тувалоқларни ов қилишлари

да кўпайтириш ва табиатга қўйиб юборишдан иборат. Қушларни овлаш мавсуми, одатда, сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади. 2012 йилдан буён Марказ 10 мингга яқин йўрға тувалоқларни ёввойи табиатга қўйиб юборди. 2019 йил октябрь ойида Дубай шаҳзодаси шайх Ҳамдан ибн Муҳаммад ал-Мактум Қизил китобга киритилган йўрға тувалоқларни овлаш учун Ўзбекистонга келди. Ўзбекистонда йўрға тувалоқларни отишга фақатгина Вазирлар Маҳкамаси махсус рухсатномаси орқалигина ижозат берилади. Халқаро Табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг маълумотиغا кўра, Қизил китобга киритилган ҳар бир отилган йўрға тувалоқнинг нархи 6 минг АҚШ доллари туради.

Бугунги кунда чет эл овчиларига лицензия бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги қарори билан тартибга солинади.

Унга кўра, овчи қизил китобга киритилган бирон ҳайвонни овлаш учун рухсатномани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг розилигига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан олади. Ов учун тўланадиган ҳақ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон овчилари жамиятининг аъзоси Баҳром Сувонкулов шайхларнинг Қизил китобдаги қушлар овини маъқуллади. Унинг фикрига кўра, 1000 та йўрға тувалоқларни улар 10 та қушни овлаш учун тўлаган ҳақи орқали сақлаш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда лицензияли овчилар томонидан ҳайвонларни отиш билан боғлиқ катта муаммолар мавжуд эмас. Асосий хавф — ҳайвон ва қушларни овлайдиган браконьерлардир.

Шундай экан, бугунги куннинг энг долзарб масаласи браконьерларга қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтиришдир. Ана шунда она табиат ва унинг бағридаги айрим ноёб турларни сақлаб қолган бўламиз.

Наргис ҚОСИМОВА,
журналист.



Ҳайвонлар фақат ҳимояланган ҳудудларда ўзларини нисбатан хавфсиз ҳис қилишади. Аммо, афсуски, уларнинг сони жуда оз. Бу атиги бутун Ўзбекистон ҳудудининг 8 фоиз қисми (448,900 км²)га тўғри келади.

қушларнинг 52 хили, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, балиқларнинг 17 тури, 3 хил чувалчанг, 14 хил моллюска, бўғимоёқдиларнинг 66 тури киритилган. Ўзбекистон Қизил китобининг биринчи нашри 1984 йилда чоп этилган.

Кейинги нашрлари 1998, 2006 ва 2009-йилларда чиқди. Янги нашр ҳисоб бўйича бешинчиси бўлди. Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, бир пайтлар Ўзбекистон флора ва ҳайвонот дунёсига жуда бой бўлган, лекин улар аста-секин йўқолиб бормоқда.


Ҳаёти хавф остида бўлган ва йўқолиш арафасида турган турларнинг кўпайишининг асосий сабаби — браконьерликнинг кўпайиши, муҳофаза қилинадиган турлар тўғрисида аҳолининг кам хабардорлиги, шунингдек, атроф-муҳитнинг антропоген ўзгариши, яъни аҳоли пунктларини интенсив равишда қуриш, автомобиль ва темир йўл транспорти, чорвачиликни ривожлантириш, яйловларни эътиборсиз қолдириш ва ерларнинг деградациясидир.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги

Кейин улар ўлмаса, шунчаки қўчага ташлаб юборилади. Қизил Китобга киритилган судралувчилардан гюрза, қўлвор ва бошқа илон сотувчиларини ҳам тез-тез учратиш мумкин. Халқ табобатида кўра, ушбу илондан тайёрланган шўрва барча касалликларга даво экан. Интернетда қушлар ва ҳайвонларни сотиш ривожланмоқда, — дейди мутахассис.

ЁРДАМГА МУҲТОЖЛАР МУҲОФАЗАСИНИ КИМЛАРГА ИШОНЯПМИЗ?

Ҳайвонлар фақат ҳимояланган ҳудудларда ўзларини нисбатан хавфсиз ҳис қилишади. Аммо, афсуски, уларнинг сони жуда оз. Бу атиги бутун Ўзбекистон ҳудудининг 8 фоиз қисми (448,900 км²)га тўғри келади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 7 та қўриқхона, 1 та буюртма қилинган ландшафт қўриқхонаси, 4 та табиий боғ, 1 та миллий боғ, 11 та табиий ёдгорликлар, 2 та биосфера қўриқхонаси, 12 та буюртма бўйича қўриқхона, 1 та “Жайрон” питомниги мавжуд. Уларнинг умумий майдони 2,07 миллион гектарни ташкил эта-



Ўзбекистонда лицензияли овчилар томонидан ҳайвонларни отиш билан боғлиқ катта муаммолар мавжуд эмас. Асосий хавф — ҳайвон ва қушларни овлайдиган браконьерлардир.

қилинади. Уларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун услубий қўлланмалар берилди.

Ўзбекистон Президентининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан Чотқол биосфера, Зомин, Сурхон, Нурота ва Қизилқум давлат қўриқхоналари, шунингдек,

тез-тез муҳокама қилинади. Навоий шаҳридан 50 км. узоқликда, 300 гектар ер майдонида, йўрға тувалоқларни кўпайтириш учун махсус марказ мавжуд. Марказ Дубай амири Муҳаммад ибн Рашид ал-Мактумнинг ташаббуси билан 2008 йилда ташкил этилган.

Марказнинг асосий вазифаси — Осиёнинг йўрға тувалоқларини Ўзбекистон-



ВОДИЙДА ЯГОНА

ЛОҒОН — ЧИНАКАМ ХАЗИНА

Қувасойнинг шундоққина ёнбошида жойлашган хазина — Лоғон адирликлари бағрида гулвата, гил тупроқ, чиғаноқтош каби хомашё заҳираси мавжуд эди. Ушбу жой корхона ривожига асос бўлди ва чет элдан келтириладиган хомашё эҳтиёжига барҳам берди. Ўша кезларда Лоғон оҳақтош конидан қазиб олинадиган хомашё миқдори 40 миллион тоннадан ошди. Бу эса цемент ишлаб чиқариш қуввати ва заҳира қийматини муваффақиятли таъминлади.



Бугунги кунга келиб юз фоиз қувват билан ишлаётган Лоғон оҳақтош кони йилига 1 200 000 тонна хомашё ишлаб чиқаришга қодир. Табиат бағридаги ушбу қазилма нафақат “Қувасойцемент” корхонаси, балки, халқимизнинг чинакам бойлиги десак муболаға бўлмайди.

Истиқлол йилларида ҳам арзон, ҳам сифатли, турли хомашёларга бой анчагина конлар топилди. Корхонада қурилиш маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий технологияларни изчил жорий этиш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш ҳамда уни компьютер билан бошқариш амалга оширилди. Шу билан бирга ишчи-ҳодимларнинг турмуш фаровонлиги яхшиланди, маошлар кўпайди, имтиёзлар яратилди.

ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

Хомашё қазииш участкаси бошлиғи Тўлқинжон Маҳмудов ўз ишининг устаси бўлган. Айни пайтда нафақада, кўплаб шогирдлари унинг йўлини давом эттирмоқда. Дилором опа Қажонова узоқ йиллардан буён ҳисобчи вазифасида меҳнат қилиб, ёшларга касб сирларини ўргатиб келмоқда. Ҳар йили ёш мутахассисларни ишга қабул қилишда тажрибали устозларнинг фикрлари инobatга олинади. Янги ҳодимлар Алишер Ғаниев, Муроджон Мўминжонов, Аҳроржон Ўтановлар кўмагида маҳоратини оширадилар. Саиджон Аҳмедов аслида технолог. Шлак ишлаб чиқариш устаси. Шогирдлари талайгина.

Давлатимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшаётган корхона бош технологи Неъматжон Абдиллаев самарали меҳнати натижасида давлат мукофотлари — “Дўстлик” ва “Меҳнат шухрати” орденларига муносиб кўрилган мутахассислардан.



Қўллаб-қувватлаш муҳим

— Корхонада ишчи-ҳодимларни ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида иш берувчи билан касаба уюшма кўмитаси ўртасида жамоа шартномаси тузилган. “Роҳат” профилакториясидан ташқари, Республика миқёсидаги санаторийларда ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан соғломлаштириш ишлари олиб борилади, — дейди касаба уюшма раиси Махсуджон Жабборов. — Шунингдек, ишчи-ҳодимларни кунлик соғлиқларини назорат қилиб бориш мақсадида корхонанинг ўзида тиббий пункт ҳамда даволаш-

“Hamkorbank” АТБнинг Қувасой филиали мижози бўлган “Қувасойцемент” акциядорлик жамияти мамлакатимизда кўзга кўринган йирик ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналардан бири. Корхона Фарғона водийсини қурилиш ашёларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, бутун республика учун маҳсулот етказиб берувчи ҳисобланади.

“Қувасойцемент” АЖ 1929 йил 21 февралда “Стромстройпроект” лойиҳалаш ташкilotи томонидан амалга оширилди. Ўттизинчи йилларда биринчи маҳсулот — 42,3 тонна цемент ишлаб чиқарилди. Корхона ишга туширилгач, юзлаб қувасойликлар иш билан таъминланди. Аммо, мутахассислар етишмаслиги боис, асосий ишчилар Россиядан олиб келинади. Маҳаллий аҳоли карьерлар, оҳақтош конларида оғир қўл меҳнати билан шуғулланишар, вагонеткалар судрашар, аравакашлик, қурувчилик, юкчилик билан банд эди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Модернизация ва реконструкция ишлари изчил йўлга қўйилган корхонада компьютерлаштириш асносида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортди. Шунинг билан бирга ҳозирги кунда қуруқ йўл билан цемент ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришда ўриндош ёқилғи кўмирдан фойдаланиш жараёнини амалга ошириш мақсадида тайёргарлик олиб бориляпти. Режадаги ишлар амалга оширилса, кўшимча иш ўринлари ташкил этилади. Айни дамда заводда 1 минг 255 нафар ишчи-ҳодим ва 64 нафар касаначи меҳнат қилмоқда.

Ҳозирда ишлаб чиқариш техника бўлимида 4 нафар назоратчи фаолият кўрсатади. Авазбек Раҳматов бўлим бошлиғи сифатида масъулиятни зиммасига олган. У 21 йилдирки корхона ривожига ҳисса қўшиб келаётганлардан.

— Бугунги кунда 1 миллион 200 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада сифат талаби жуда юқори, — дейди бўлим бошлиғи.

Цемент ишлаб чиқарадиган корхоналар бор жойда чанг атрофга тарқалиши табиий. Хомашёни қайта ишлаш цехидаги тегирмон танаси ва цемент ишлаб чиқариш тегирмонидаги электрофилт янғисига алмаштирилди. Натижада шу кунга қадар ташқарига чиқарилаётган чанг бартараф этилди. Бу схема асосида ишлаб чиқариш қуввати 2 тоннага, яъни 4-тегирмон соати-га 26 тоннадан 28 тоннагача цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Бугун цемент ишлаб чиқариш соҳасида рақобат катта, бироқ ҳамон Қувасой цементига эҳтиёж юқори.

ЯНГИ ФИЛИАЛ

Республикаимизнинг марказий вилоятларини цемент маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида, акционерлик жамиятининг Янги йўл филиали фаолияти йўлга қўйилди. Иш бошланиш арафасида “Қувасойцемент” корхонасининг тажрибали, билимли ва изланувчан 100 нафар мутахассиси у ерда иш ўргатиб қайтди. Айни дамда янги корхонанинг маҳсулотлари воҳа вилоятларига етказиб берилмоқда.

САЛОМАТЛИК МАНБАИ



соғломлаштириш маркази фаолият юритмоқда. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга эътибор юқори.

Корхона ишчилари — уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Бош ошпаз Файзулло Азизов 38 йилдан буён мазали таомлар тайёрлайди. Европа ва мил-

Ишчи-хизматчиларнинг мазмунли дам олишлари учун кенг имконият яратилган. Соғлиқларини тиклашлари учун “Роҳат” сиҳатгоҳи ишлаб турибди. 1986 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган ушбу тиббиёт маскани 65 ўринга мўлжалланган. Ҳозирги пайтда Фотимахон Аҳмедова раҳбарлик қилади. 14 нафар малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ҳамширалари ширин калом ила муолажа қиладилар. Меҳнат таътилига чиққан ҳар бир ходим тиббий кўрикдан ўтказилади ва даволанади, профилактик муолажалар олади. Дилоромхон Баратова, Арабжон Буваев, Раънохон Дадабоева каби саломатлик побонлари ўз ишининг усталаридир. Сиҳатгоҳ энг сўнгги русумдаги янги ташхис қўйиш ва даволаш тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Шунингдек, “Роҳат болалар оромгоҳи”да уларнинг фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.



Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.
Абдували КАБИРОВ олган сураатлар.
Андижон-Қувасой-Андижон.

“Hamkorbank” кўзгуси бўлган газетамиз ижодкорлари жойларда бўлиб, газетхонлар билан учрашувлар ўтказмоқда. Жиззах филиалидаги тадбирда банк фаолияти, ходимларнинг дам олишлари қандай ташкил этилаётгани, китобхонлик ва бугунги матбуот хусусида сўз юритилди.

2014 йилда атиги 13 нафар ходим билан ўз фаолиятини бошлаган банк жамоаси учун молия бозорида ўз ўрнини топиш осон бўлмади. Мижозлар билан ишлаш ва “Hamkorbank”нинг имкониятларини уларга етказиб боришни бош мақсад сифатида белгилаб олдилар. Ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда маҳаллаларга ҳам кириб бордилар. Натижада молия муассасалари орасида ўз ўрнини жуда тез топди.

— Асосан ёш кадрлар билан иш бошладик. Шу сабаб тажрибали соҳа ходимлари томонидан ҳар куни иш бошладан олдин иқтисодий ўқиш ташкил этардик, — дейди филиал бошқарувчиси Дилмурод Эркабоев. — Вақт ўтиб тингловчиларнинг ўзлари мижозлар учун дарс берадиган бўлди. Банкимизга ишонч ошиб, доимий мижозларимизга эга бўлдик. Хонадонингиз учун зарур бирон буюмни сотиб олмоқчи ёки бошлаган ишингизни ривожлантиришингиз учун озгина маблағ зарур бўлиб қолди, дейлик. Бу ҳолда сизга тезкор ва ишончли банк кўмаги зарур. Кўпчиликнинг эътибори тортганимизда микроқарзга алоҳида эътибор қаратилгани қўл келди. Бу энг қулай хизмат. Биз айтиш шунданки танладик ва кичик мижозлар билан катта майдонга чиқдик.

Филиал раҳбарининг айтганича бор. Бугун Жиззахда Акмалжон Алиев, Бегзод Толибоев, Тошпўлат Ҳамдамов ва Баҳром Исақов каби ходимларни кўпчилик яхши танийди. Айниқса, тадбиркорлар уларга суянади, янги лойиҳаларини амалга оширишда биргаликда ишлайдилар.

Молия муассасасидаги қайноқ ҳаёт мижозлар ишончини қозонганини кўрсатади. Ҳар бир иш ўз ўрнида ва тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Шу сабаб белгиланган режалар ортиғи билан бажарилапти.

Иш унумдорлиги, муваффақиятларнинг сири нимада экан, дея қизиқишларимизга маънавий



хонаси, кичик бўлсада кутубхона ва теннис майдонига бошлаган филиал раҳбари қуйидагича жавоб берди:

— Эрталабда ҳар бир ходимни қандай ҳолатда ишга келганига эътибор қаратамиз. Агар кимдир бироз чарчаганини сезсак, маънавий хонаси ёки теннис майдончасига бошлаймиз. Имкон қадар кайфиятини яхшилашга ҳаракат қиламиз. Озгина вақт ўтгач, у, албатта, ўз вазифасини кўтаринки руҳда давом эттира бошлайди.

Ходимларнинг деярли барчаси теннис билан шуғулланади. Ҳар ойнинг охиридаги беллашувда ғолиб бўлиш истагидагилар дам олиш кунларини

КИЧИК МИЖОЗЛАР БИЛАН КАТТА МАЙДОНГА

ҳам шу майдончада ўтказишга одатланган.

— Мен учун энг яхши ҳордиқ китоб мутлааси, — дейди Маҳфуза Муродова. — Китоб билимларимни ошириш баробарида келажакка бошлайди. Ҳар бир асар бир мактаб. Психологик, иқтисодий китобларни кўп ўқийман. Бу ишимда ҳам ёрдам беради. Кундалик газеталарни кўздан кечиришни канда қилмайман-маънавий озуқа оламан. Банк ҳаётим. Фаолиятимизга оид янгиликлар, ҳамкасбларимиз тажрибалари билан танишишда “Hamkor press” газетаси ижодкорларининг меҳнатлари катта. Шунинг учунми, бу газета энг сеvimли нашрим.

Оммавий дам олиш тадбирлари ва тарихий жойларга саёҳатлар ташкил этиш ҳам алоҳида эътиборда. Байрам тадбирлари доим қизиқарли ва унутилмас бўлади. Наврўзни қадимий шаҳарларда нишонлашнинг завқи ўзгача. Жамоа аъзолари бу йилги айёмни Хоразмда кутиб олдилар.

Аҳиллик, бирдамлик, яхши ҳордиқ ютуқлар гарови. Бунинг Жиззах филиали мисолида кўриш мумкин.

**Акбаржон НАЗАРОВ,
Бегзод МУТАЛЛИБОВ.**
Андижон-Жиззах-Андижон.

Мустақиллик тенгдоши бўлган “Hamkorbank”нинг 30 йиллиги арафасида фидойи соҳа ходимлари ҳақида ёзиш истаги туғилди-ю, қаҳрамон сифатида банкнинг Тошкент филиалида анчайин меҳнати синган, айтиш пайтда нафақада бўлган Шаҳноза Шокаримовани танладим. Телефонда боғланар эканман, опанинг овозидаги энтиқиш, ҳансираш, қийналиб гапираётганидан хавотир олдим-у, “сизни безовта қилмай кейинроқ гаплашсак бўладими?”, дея сўзимни қисқа қилдим. Опа рози бўлдилар. Бир-бир қўнғироқ қилиб ҳол сўраб турдим, кундан кунга соғая бордилар. Суҳбатимиз “Hamkorbank”нинг “Андижонбанк” пайтидаги “ҳаёти”дан бошланди.



— Ўтган йилнинг озори ҳали қалбларимиздан кетмай туриб танамда оғриқ, сал-сал йўтални сездим, касаллик хуруж қилиб қолди. “Тез ёрдам” билан шифохонага ётқизилдим. Ҳозир анча яхшиман. Биласизми, шифохона мен учун ортга назар ташлаш — иш, турмуш, фарзандлар... ўтган умрнинг сарҳисобини аңлатди.

Шукроналик

Болалигимда таржимон бўлишни орзу қилганман. Онам раҳматлик узок йиллар банк соҳасида фаолият юритгани боис касбини жуда-жуда севарди ва фахрланарди. “Мени касбимда ишла, банк ходими ҳам халқ хизматида бўладисавоб иш” дея такрорлардилар. Шу сабаб бу соҳани танладим.

Илгари Тошкент шаҳридаги “Савдогарбанк”да ҳисобчи бўлиб ишлаганман. 1998 йилда Марказий банк томонидан ташкил қилинган тадбирда ўзини Нигора Тешабоева дея таништирган аёл билан ёнма-ён ўтириб қолдим. У “Андижон-

банк” ходимаси экан. Худди эски кадрдонлардай суҳбатимиз қизиди ва андижонлик экани, шу кунларда уйга қайтмоқчилигини айтди. Нигора Тешабоева сабаб ҳаётимда туб бурилиш бўлди, десам мақтанишга йўйманг...

Юрий Леонидович Ли раҳбарлик қилаётган Тошкент филиалининг кичкина жамоаси Шаҳноза Шокаримовани илиқ кутиб олди, раҳбар ўринбосари лавозимида фаолиятини бошлади.

— “Халқлар дўстлиги” саройи ёнида биз каби яна 3 та банк жойлаш-

Шаҳноза опа сингари тажрибали устозлар касб сирларини ўргатдилар.

— 2006 йилда нафақага чиқдим. 2 йилдан сўнг банкнинг бош офисига ички тафтиш хизматига таклиф қилишди. Вазифамиз филиалларга юриб, текширувлар олди хато-камчиликларни бартараф этишдан иборат эди...

2017 йилга қадар ушбу вазифани сидқидилдан бажарган опа тажрибаси юқорилиги боис банкнинг омонат текширувлари гуруҳига ўтказилади ва бу вазифани ҳам аъло даражада уddалайди.

— Ёшингиз улғайган сари яқинларингиз меҳрини кўпроқ ҳис қиларкансиз ва уларга талпинар экансиз. Ишлаш оғирлик қилмади, бироқ набираларимга буви сифатида ўғитарим зарурлигини тушундим.

Банкда ўтган ҳар бир куним бир — тарих, ширин хотиралар. Эслаш мароқли. Фарзандларим, айниқса, набираларимга сўзлаб бериш завқини айтиш дамда кўп ҳис қилмоқдаман, — дея салмоқ билан сўзлаётган Шаҳноза Шокаримованинг қарашларида ҳаётдан мамнунлик, тинчлик-хотир-жам кунларга шукроналикни сезиш мумкин.

Н. ТўРАҚУЛОВА.



Китобга ошно кўнгил

— Имкон бўлса, яна қандай китобларни ўқиган бўлардингиз?

— Очиғини айтганда ишга киргунимча кўп ўқирдим. Афсуски, ҳозирги кунда иш ҳажми, ижтимоий тармоқлар вақтни олиб қўйяпти. Агар кунт қила олсам тарихий, сиёсий ва детектив китобларни ўқиган бўлардим.

— Уй кутубхонангиз борми?

— Ҳа, албатта. Уй кутубхонимизда юздан ортиқ турли номдаги китоблар бор. Уни оила аъзоларимиз билан мунтазам бойитиб боришга ҳаракат қиляпмиз

— Дарвоқе, оила

“Ўзимдаги энг яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман”, деган эди ўтган асрнинг улуғ адиблардан бири. Дарҳақиқат китобнинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс. Уни қанча кўп мутолаа қилсак дунёқарашимиз, тафаккуримиз кенгайиб бораверади.

“Hamkorbank” АТБ тизимида ишлаётган ходимлар орасида китобга ҳавасмандлар талайгина. Улардан бири Ургут филиали бошқарувчи ўринбасари — ундирув хизмати бошлиғи Зафаржон Тилавкуловдир. Олий маълумотли мутахассис қилиб ўн йилдан бери мазкур банкда элимизга сидқидилдан хизмат кўрсатиб келяпти. Рус тилида бемалол, инглиз тилида луғат ёрдамида гаплаша оладиган йигит билан суҳбатимиз китобхонлик хусусида бўлди.

— Ҳаётингизда илк бор катта таассурот уйғотган китобларни тилга олсангиз?

— Кўз очиб кўрган илк “катта китоб”им Ҳамид Ғуломнинг “Машғал” романи эди. Кечаси билан ухламай ўқиганим ёдимда. Сўнгра Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, Габриэл Гарсиа Маркеснинг “Ёлғизликнинг

“СЕҲРЛИ ҚАЛПОҚЧА”НИ КУРГАН

ЗАФАРЖОН
НУҒУЗЛИ БАНКНИНГ
МАЛАКАЛИ
МУТАХАССИСИГА
АЙЛАНДИ

юз йили”, Мушфиқ Козимийнинг “Қўрқинчи Техрон” асарлари билан танишдим. Йиллар ўтиб “Юлдузли тунлар”, “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Икки эшик ораси”, “Шайтанат”... каби маълуму машҳур китоблар билан танишдим.

— Севимли ёзувчи ва шоирларингиз...

— Ёзувчилардан Ўткир Ҳошимов, Ҳамид Ғулом, Худойберди Тўхтабоев. Шоирлардан Ҳамид Олимжон ва Муҳаммад Юсуф.

— Севимли қаҳрамонларингиз-чи?

— Ёшлигимда “Сеҳрли қалпоқча”даги Ҳошимжон, кейинчалик Абдулла Қодирий яратган бебаҳо образлар — Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно, “Шайтанат”даги Асадбек.

аъзоларингизни китобга қизиқишлари қандай?

— Турмуш ўртоғим ва болаларим жуда қизиқишади. Фарзандларимга сўраган китобларини олиб беришга интиламан. Улар ҳам анчагина китобларни ўқиб қўйишди ва ҳатто мактабда ўтказилган ёш китобхон танловида фаол қатнашишди. Бундан жуда мамнунман.

— Китоб яхшиларнинг йўлдоши дейишади. Ушбу беминнат ҳамроҳ сизни бир умр тарк этмасин.

Суҳбатдош: Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

ЎЗИМИЗГА ТАШХИС ҚЎЙИШНИНГ 7 УСУЛИ

Бирон касаллик бизни маҳв этмай туриб, уни аниқлаб олиш жуда муҳим. Қуйидаги тестлар орқали бемалол ўзингизга ташхис қўйсангиз бўлади.

1 Ўриндиққа ўтиринг-да, билан томирига қўл қўйиб, бир дақиқа кузатинг. Шу пайтнинг ўзида томир уришига монанд оёқларингизни полга уринг. Томир уриши суст, секин, бир маромда бўлмаса, гап аритмияда бўлиши мумкин. Бу ҳолат кўп асабийлашганда, ҳазми қийин таомлар еганда, камқонлик ва бўқоқда кўп кузатилади.

2 Дераза олдида туриб, битта кўзингизни юминг ва дераза ромига ярим дақиқа қаранг. Тасвир тиниқ бўлса, хавотирга ўрин йўқ. Агар шакл икки хил кўринса ёки кўз олди хиралашса, дарров кўз шифокори — офтальмологга учраш зарур.

3 Столга қоғоз ёйиб, устига кафтингизни қўйинг. Қалтираш қоғозни қимирлатадиган даражада бўлса, демак, стресс ҳолатидасиз. Бундан ташқари, қўл қалтираши бўқоқ, невроз, қонда қанд даражаси кўтарилганидан ҳам дарак беради. Маслаҳатимиз, эндокринолог кўригидан ўтинг.

4 Соатдаги 3.40 вақтини хаёлан тасаввур қилинг. Агар буни эплаёлмаётган бўлсангиз, хотирангиз панд бермоқда. Бундай пайтда қонда холестерин даражасини текширтириш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

5 Оёқларингиз тагига бирор нарса қўйиб, 3 дақиқа ётинг. Кейин уларни осилтириб, каравотда ўтиринг. Агар оёқ териси оқариб кетган, жимирлаш, увишиш сезилса, оёқларда қон айланиши бузилган. Бу ҳолатда сиз, албатта, терапевт кўригидан ўтиб, тегишли таҳлилларни топширишингиз зарур.

6 Ойна ёнида туриб, оёқларни чалиштиринг-да, шу ҳолатда ўтиришга ҳаракат қилинг. Агар бу ишни қўл ёрдамисиз, қийналмай бажарсангиз, бўғим ва мушакларингиз ҳолати аъло даражада. Борди-ю, бунинг акси бўлиб, ўтирганда, оёқларингиз зирқираб оғривса, бу артроз белгиси бўлиши мумкин. Бу, айниқса, 50 ёшдан ошган инсонларга тегишли.

7 Агар лабларнинг устида майда қизил тошмалар бўлса, бу гижжа борлигидан далолатдир. Лабларнинг ҳаддан зиёд қуруқлиги эса дармондори етишмаслиги ва камқонлик белгисидир.

ОСИЁ тайёрлади.

Сурхоннинг аксарият йигитлари бўйдор, алп келбатли бўлади. Ишонмасангиз, бир Сурхондарёга бориб, йигитларига назар солинг. Қизлари ҳам гўзал, бақувват. Бунинг сабаби маълум. Чунки сурхонликлар гўштни кўп истеъмол қилади. Гўшда инсоннинг иммун тизимини кўтариб, организмни тетик ва бақувват қилувчи оқсил моддалар бисёр.



ЛАЗЗАТГА БОЙ “ЧЎПОНЧА”



Бу вилоятликларнинг миллий таомлари ҳам асосан гўшдан тайёрланади. Масалан, “тандир”, “қозон кабоб”, “чўпонча”. “Чўпонча” овқатининг номи эътиборимизни тортди ва у ҳақда маълумот олиш учун “Hamkorbank” АТБ Денов филиали ошпази Равшан Ибрагимов билан боғландик. 2015 йилдан буён ўзининг мазали ва сархил таомлари билан банк ходимларини хушнуд қилиб келаётган ошпазнинг маҳоратини у тайёрлаган егуликларнинг сура-

ба уюшмаси қўмитаси раиси Зухра Алимова Равшан аканинг ишларига қизиқиб, пиширган овқатларини расмга олиб турар экан. У бизга бу расмларни жўнатаётганда шундай деди: “Ошпазимизнинг қўли жуда ширин-да. Ҳамма овқатни боғлайди, тушлик дастурхонидан доим яхши кайфиятда туриб кетамиз. Байрамларда қўй сўйилса, “тандир”ни ҳам қўйиллатади”.

Келинг, энди деновлик тажри-

бали ошпаздан “Чўпонча”нинг тайёрланиши ҳақида билиб олсак.

— “Чўпонча” айтилиши антиқа бўлгани билан жуда осон ва оддий. Қўчқорнинг қовурға гўшtidан тайёрланади. Бу овқатни чўпонлар яйловда қўй боқиб юрган пайтида пишириб егани учун шундай ном олган. Қовурға катта-катта бўлакларга ажратиб олинади. Бўлаклар озроқ қиздирилган ёғда паст оловда секин қовурилади. Шунда гўшт юмшоқ бўлиб пишади. Пишгач, лаганларга солиниб, шу ҳолатда тановул қилинади. Айримлар таъбга қараб

бу гўштни пиёз, картошка ва бошқа масаллиқлар билан бирга истеъмол қилади. Ана кўрдингизми, жуда осон тайёрланадиган, содда таом, бизда уни сўйиб ейишади. Меҳмон келганда уйимизда қовурға гўшти бўлса бас, унга, албатта, шу овқатни илинамиз.

Равшан аканинг гапларини эшитиб, “Чўпонча”нинг лаззатини тасаввур қилиб кўрдим. Мен ҳам имкон бўлганда уни пишириб кўришни мақсад қилдим. Ошпаз ака, сизга катта раҳмат. Яна узоқ йиллар “Hamkorbank” ходимларини хурсанд қилиб юринг!

Н. ТЎХТАМАТОВА.

Табийй офат юз берса, қутқарувчилар, урушда ҳарбийлар, маънавий таназзул кузатилса, ўқитувчилар курашга бел боғлаб, катта майдонга чиқади. Коронавирус пандемияси ҳам кўпга келган офат сифатида тиббиёт ходимларининг зиммасига улкан вазифа юклади.

УЙГА ҚАМАЛМАДИ, ЎЗИНИ ЎЙЛАМАДИ...

Ҳамон давом этаётган эпидемиологик вазиятда касалликнинг олдини олиш, профилактика қилиш, тўғри ташхислаш ва даволашда санитария-эпидемиология хизмати билан бирга тиббиёт муассасалари томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларнинг аҳамияти жуда муҳим. Бир сўз билан айтганда, пандемия шифокорлардан ўз ҳаётини гаровга қўйиб бўлса ҳам халқнинг осойишталигини сақлаб қолишни талаб этмоқда.

"Уруш қурбонларсиз бўлмайди", деганларидек бешафқат касаллик орамиздан фидойи инсон, фидойи шифокор, ҳамиша бошқаларнинг манфаатини ўзиникидан устун қўювчи, жонкуяр, меҳрибон бир аёлни олиб кетди. У эллик ёшида бу ёруғ оламни тарк этди. Балки, ўз жонини ўйлаб, эҳтиётини қилганида, яшаётган бўлармиди? Яна ким билади дейсиз. Қисматга ёзилган битикка чора ҳам, даво ҳам, йўқ. Ёлғиз Аллоҳ билгувчи.

Ҳаммамиз гувоҳмиз, коронавирус туфайли қанча-қанча юртдошларимиз дунёдан бевақт кўз юмди. Энг ачинарлиси, уларнинг орасида вируснинг ҳужумига тик боқиб, беморларга соғлиқ улашмоқчи бўлган шифокорларимиз ҳам кўп эди. Деярли ҳамма жойда бу қўрқинчли хасталик таъсирида азият чеккан ёки ҳаёт билан видолашган тиббиёт ходимлари ҳақида эшитдик.

Саидахон Усмонова тажрибали акушер-гинеколог эди. Андижон тиббиёт институтини тамомлаб, 1993 йилда Андижон шаҳридаги 2-туғуруқ уйида иш бошлаганидан буён юзлаб гўдакларнинг соғ-саломат дунёга келишига ўз ҳиссасини қўшди. Қанчалаб она-

ларнинг бахтиёр табасумларига сабабчи бўлди.

Бутун дунёни таҳликага солган коронавирус авж олган пайтда Саидахон опа Асака туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасининг Тўрттош бўлимида акушер-гинеколог бўлиб ишлаётган эди. Туғуруқлар на вақт, на вазият танлайди. Шу боис "COVID-19" пандемияси вақтида ҳам опа постини, иш жойини тарк этмай, ҳомиладор аёлларга хизмат кўрсатиш, уларнинг соғлиги билан шуғулланишга мажбур бўлди. Бирон

кун бўлса-да дам олмади, ўз хавфсизлигини ўйлаб, уйга қамалмади. Чунки унинг зиммасида оқ халатнинг масъулияти бор эди. Оқибатда ўзи ҳам мана шу бедаво касалликни юқтириб, тириклик билан видолашди.

Ҳозир ҳаёт бўлганида Саидахон Усмонова 51 ёшни қарши олган, уч фарзанди, оиласи, яқинларига ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшаётган бўларди. Афсуски, умри қисқа экан. Унинг вафотидан 5 ой ўтиб, турмуш ўртоғи Алишер ака ҳам бандаликни бажо келтирди. У дунёдаги энг яқин инсони — жуфти ҳалолини йўқотганига дош бера олмади. Айрилиқ шундай забардаст инсонни ҳам қулатди. Демак, Саидахон опа турмуш ўртоғининг юрагидан жой олган суюкли рафиқа бўлган. Опанинг ўлиmidан нафақат яқинлари, балки, ҳамкасблари, таниш-билишлари ҳам чуқур қайғуга ботди. Бугун бу дилкаш, ғамхўр, меҳрибон аёл уни билганлар, таниганлар кўзда ёш билан эсга олади. Илоҳим, шифокор опанинг охиратлари обод бўлсин!

Умида
СОЛИБОЕВА.

НУҚТАИ НАЗАР



ОҒРИҚ

Халқимиз — болажон халқ. Аммо кейинги пайтда болаларга нисбатан ишлатилаётган зўравонликлар кўпайиб кетмоқда. Сирдарёда ўғай она томонидан 13 ёшли қизга кўрсатилган зуғумлар, Бухорода етти ёшли қизалоқнинг ўз отаси томонидан калтакланиб, мунтазам оч-наҳор қолдирилиши, ўзининг беш ёшли қизини ўлдириб, ёқиб юборган она каби ўнлаб мисолларни келтириш мумкин. Ундан кўра, Меҳрибонлик уйига топширгани яхши, дегувчилар ҳам бор. Меҳрибонлик уйларидаги аҳвол бугун қониқарлими? Бу қоракўзларнинг ҳолати кимнидир қизиқтирадими?

Давлат томонидан бу масканларга катта миқдорда пул ажратилиши кундай равшан. Бироқ... Куни кеча Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйида олиб борилган текширувлар эълон қилинди. Ҳолат қанчалик абгор эканидан одамнинг йиғлагиси келади. Шарт-шароит у ёқда турсин, болаларга берилаётган овқатларнинг сифатсиз экани кишини ўйлантиради. Албатта, ўз вазифасига совуққонлик билан қараган Меҳрибонлик уйи директори ва омбор мудир Меҳнат кодексининг тегишли бандларига асосан, ўз лавозимларидан озод этилди.

Бир одам тоғдан бургутнинг тухумини топиб олибди ва уни товукнинг остига қўйибди. Полопон тухумдан чиқиб, товукнинг жўжалари билан яшаб, улғая бошлабди.

ТОВУҚ ВА БУРГУТ ҲИКОЯСИ



сўрабди:

— Во ажаб... Бу қандайин куш.. Мен ҳам у каби учишни хоҳлайман дебди.

— Бу бургут, осмон ҳукмдори. Сен эса унга қарама. Ҳавас ҳам қилма. Сен билан биз оддий товуклармиз, ерда юрамиз, дея жавоб берибди.

Бургут бир хўрсиниб қўйибдида, яна ахлат титишда давом этибди...

Қиссадан ҳисса шуки, истайсизми йўқми, муҳитнинг таъсири катта. Атрофингиздаги одамлар сизга ўз таъсирини ўтказди, лекин сиз бунга ишониб, мослашиб қолманг. Сен "товуқсан", "учолмайсан" дегувчилар топилади. Бироқ сиз бургут бўлишингиз мумкин. Учишга — бургут бўлишга ҳаракат қилинг. Ва қавмингизга хос ҳаёт тарзига эришинг, Виқор, ғурур билан осмон узра парвоз қилинг...

Етимлар ҳаққидан қўрқмайдиганларни ким деб аташ мумкин?

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг кўзларига ҳеч қараганмисиз? Мунгли ва нафратга тўла нигоҳлар. Бу кўзларда аччиқ қисмат муҳрланиб қолгандай, гўё. Бу ер ҳеч кими йўқ чин етимлар учун яхши маскандир, аммо ота-онаси бўла туриб, тирик етимга айланганлар қалбида бир умрга татигулик исён уфуриб туриши тайин.

Аслида эса, улар болаларнинг ҳаққини еб ўтиришгани учун қаттикроқ жазога лойиқмасмиди? Агар текширув ўтказилмаганида, бу ҳолат яна қачонгача давом этарди? Халқимиз меҳр-саховатли. Кўпчилик Меҳрибонлик уйларида хайр-эхсон қилади. Бу хайриялар ҳам ўша ердаги ходимларнинг эҳтиёжлари учун сарфланмаган, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Бундан икки йил аввал Марғилон шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйида болаларни жинсий ва жисмоний зўрлаш ҳамда муассаса пулларини талон-торож қилишда айбланган ходимлар — директор ўринбосари ва бошқаларга узоқ муддатли қамоқ жазолари тайинланганди. Демак, бундай ҳолатлар бошқа жойларда ҳам содир бўляпти эканда.

"Ёғлиққина" жойнинг "шайдо"лари ҳам кўп бўлади. Меҳрибонлик уйлари давлат томонидан таъминланиши, турли хил хайриялар — кийим-кечақдан тортиб, озиқ-овқат маҳсулотлари-ю, барча-барчаси келиб тургандан кейин бундай жойдан ким ҳам воз кечарди. Ҳақиқий фидойилар эса, албатта, четга суриб қўйилиши ҳам бор гап. Шу боис бундай масканларни тинимсиз назорат қилиб туриш зарур.

Маълум меъёрлар ишлаб чиқилиши керак. Токи, қўрқмасдан етимлар ҳаққини еб кетадиганлар унинг бадали ҳам оғир эканини ҳис этишсин. Айни дамда "SOS — болалар маҳалласи" масканларини кўпроқ ташкил этиш ҳам масалага ечим бўла олиши мумкин.

Яна бир гап. Болалар муассасаларида жамият кўзидан панада содир бўлаётган ҳолатлар устидан доимий назорат ва кузатув олиб бориш деярли имконсиз. Меҳрибонлик уйлари видеокузатув камералари билан жиҳозланиши юзаки чоралар ҳисобланади. Авваламбор, бу масканларга ишга олинаётган кадрлар масаласига жиддий қараш керак. Токи, болалар жамиятга, атроф-муҳитга нисбатан нафрат билан эмас, келажакка ишонч, орзу-умидлар ила вояга етсин.

Нилуфар ЮНУСОВА,
Тошкент.

ИБРАТ

Ёнғоқ қурти ўзи сиғадиган тешик очиб, ёнғоқни ичига кириб, нима бўлса ейди. Еган сари семиради ва тўяди. Ёнғоқ ичида ҳеч нарса қолмагандан сўнг ташқарига чиқишга интилади. Тешик кичик бўлгани учун ташқарига чиқолмайди. Ундан ҳам ёмони, ёнғоқнинг ичи қурий бошлайди, энди тешикни кенгайтиришнинг имкони қолмайди. Биргина чора-ошиш.

БЕҲУДА УМР

Ёнғоқ ичида мажбур очликдан озиб, эски заиф ҳолига қайтиб ташқарига чиқади. Қарасаки, унинг учун мавсум тугаб, ортда қуриган ёнғоқдан бошқа ҳеч нарса қолмаган.

Баъзи инсонларнинг яшаш тарзи худди ёнғоқ қурти кабидир. Мол-дунё дардида умрини беҳуда нарсалар билан хабада қилиб, ўтказиб юборади. Муносиб яшай деганда эса, умр тугаб қолган бўлади...

“Пентагон”ни бошқарган ЧАВАНДОЗ

Суҳбатдошимиз — 18 йилдан буён улов миниб, чавандозлик сирларини ўрганиб, от спортининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшаётган спорт устаси, уч кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Файзулла Рустамов. У 24 ёшда. Мусобақаларда иштирок этиш баробарида, ўзи ҳам мураббийлик фаолияти билан шуғулланади.

— От спорти оламига нечи ёшда кириб келгансиз?

— Қизиққаним учун олти ёшимдан от минишни ўргана бошлаганман. Биринчи мураббийим от спорти мактаби ўқитувчиси Олимжон Умаров бўлган. Ҳозирда Андижон от спорти терма жамоаси биринчи мураббийи Анвар Аҳмедов қўл остида мусобақаларга тайёргарлик кўряпман. 2019 йилдан буён ўзим ҳам мураббийлик қилиб келаман. 15 нафар шогирдим бор.

— От минганда нималарни ҳис қиласиз?

— Аввал бошида қўрқув уйғонади. Неча йиллардан буён шу ҳолат давом этади. Чунки болалигимдаги қўрқув онгимга ўрнашиб қолган. Кейин секин хотиржам тортаман. От минган йигида ўзига бўлган ишонч кучаяди, дангал инсонга айланади. Бекорга йигит киши от минишни, сузишни, камон отишни билиши керак, дейишмайди. От эркак кишидаги ғурурни ўстиради.

— Отни ўргатиб олиш учун қанча вақт керак?

— Бу отнинг характери ва ўргатувчининг маҳоратига боғлиқ. Баъзида икки йиллаб вақт кетади, баъзида ундан камроқ.

— Ҳеч одан йиқилиб жароҳат олганмисиз?

— Ўзбекистон чемпионати учун ўтказилаётган жамоавий мусобақа пайтида йиқилиб, от остида қолиб кетганман. Ўнг елкам чиқиб, икки ой

даволандим. Тузалгач, яна машғулотни давом эттирдим.

— Бу жониворни инсонга яқин дўст дейишди. Сиз ҳам кузатганмисиз?

— Ҳа, бунга кўп гувоҳ бўлганман. Масалан, мусобақа пайтида хаёлингиз қочиб, айрим машқлар ёддан чиқса, отнинг ўзи масъулиятни бўйнига олиб, бажариб кетаверади ва хатоингизни ёпади. Қийин вазиятда сизни ташлаб қўймайди.

— Мазкур спорт турининг фойдаси нимада?

— Мусобақаларда ғолиб бўлсангиз, олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинасиз. Мен ҳам чемпионатлардаги ғалабаларим эвазига, олий ўқув юрти талабасига айланиб, уни муваффақиятли тамомладим.

Чавандозликнинг соғлиққа ҳам фойдаси бисёр. Танани тўғри тутишни ўргатади, мускулларни ривожлантиради. Суяклар тўғри ўсади, тана бақувват бўлади, семиз одамларни оздиради. Ҳатто гавда тузилишида нуқсон бор болалар ҳам бу спорт ёрдамида тузалиб кетиши мумкин.

— Чавандозлик билан неча ёшдан бошлаб шуғулланган маъқул?

— 12 ёшдан бошласа, мақсадга мувофиқ. Бу ёшда бола ўзини анча тутиб олган бўлади, ҳаракатда қийналмайди. Менга ўхшаб эрта бошласа, қўрқув уйғониб қолиши мумкин. Бир марталик қўрқув бутун умр қолиб кетади.

— Ушбу спорт турининг қайси йўналиши мураккаброқ?

— Конкур тури. Бунда баланд тўсиқлардан сакраш талаб этилгани учун отни бошқариш қийин, жароҳат олиш эҳтимоли юқори.

— Мусобақалар учун ўзингизнинг махсус отларингиз борми?

— Уч курашда “Пентагон”, конкурда “Подарок”, от йўрттиришда “Қора

машғал” лақабли одан фойдаланаман. “Пентагон” уйинқароқ бўлгани учун у билан келишиш осон. Айни пайтда от спортининг поло йўналиши билан ҳам шуғулланяпман. Унда “Буфер” лақабли от билан ўйнайман. Бу йўналиш бўйича Ўзбекистон кубогига ғолиб ҳам бўлдим.

— Қайси мамлакатда от спорти яхши ривожланган?

— Германияда бу спортга эътибор катта. Мамлакатимизда ҳам бу спорт турининг ривожини учун керакли шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, Тошкент, Андижон мактабларидан кучли чавандозлар етишиб чиқмоқда.

Маълумот ўрнида:

Ҳозирда Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида йилқичилик ва от федерациясига қарашли 6 та от спорти мактаблари фаолият кўрсатмоқда. 2025 йилга қадар қолган вилоятларда ҳам бундай мактаблар ташкил қилиниб, от спорти халқаро миқёсда ривожлантирилади.

Футбол бўйича ҳар йили ўтказиладиган Европа Чемпионлар Лигаси мусобақаси жаҳондаги энг кўп мухлисга эга турнирлардан бири. Уни бутун дунё бўйича бир неча юз миллионлаб мухлис кузатиб боради. Уларнинг орасида миллионлаб юртдошларимиз ҳам бор.

ФИНАЛ ЯҚИН: ГВАРДИОЛАМИ ЁКИ ТУХЕЛЬ?

пионлар лигасига бу мавсум кириб келган “Челси” айнан ушбу мусобақанинг ҳақиқий қироли бўлган “Реал мадрид”га ҳеч қандай имкон қолдирмай, охириг босқич йўланмасини қўлга киритди. Ҳа, уйинда нималар бўлмайди дейсиз?

Агар икки финалчи ҳам Англия жамоаси эканлигини ҳисобга олсак, ҳақиқатан ҳам инглиз футболли ва Премьер лига чемпионатининг кучига

тан бермай илож йўқ.

Уйлаймизки, бу йилги финалда футболчи ёки клубларнинг индивидуал маҳорати ёки бу турнирдаги тажрибаси эмас, балки, ҳақиқий тактик мураббийларнинг шахси, ғоялари роль ўйнайди. Чунки икки финалчи ҳам Чемпионлар лигасида катта тажриба ва натижага эга эмас. Улар финалга футбол даҳоси Пеп Гваридола ва даҳоликка давogar Томас Тухелнинг кучли тактик юришлари орқали етиб келди. “Манчестер сити” бу йил чемпион бўлса, биринчи финалнинг ўзида ғолибликка эришган биринчи жамоа сифатида тарихга муҳрланади. Аристократлар эса ушбу турнирдаги чемпионлик завқини атиги бир марта — 2012 йилда татиб кўрган.

Нима бўлганда ҳам, қани футбол ишқибозлари, биргаликда кузатишда давом этамиз. Бу йилги кубок кимга насиб этар экан?

Саҳифа муаллифи Нигора ТЎХТАМАТОВА.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor Press” таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ИУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-549 Адади: 6075
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.